

## Ялпи ҳудудий маҳсулот ишлаб чиқариш


Дастлабки маълумотларга кўра, 2016 йил январь-сентябрда ишлаб чиқарилган ялпи ҳудудий маҳсулотнинг (ЯХМ) ҳажми 7436,4 млрд. сўмни ташкил этди ва 2015 йилнинг январь-сентябрга нисбатан ўсиш суръати 5,9 фоизга тенг бўлди.

2016 йил январь-сентябрь ойларида ЯХМ дефлятор индекси 110,5 фоизни ташкил қилди.

Январь-сентябрь ойларида вилоят ялпи ҳудудий маҳсулотининг иқтисодий фаолият турлари бўйича таркиби қуйидагича ифодаланади:

	фоиз ҳисобида		2015 йил январь-сентябрга нисбатан фоиз ҳисобида
	2015 йил	2016 йил	
<b>I. Ялпи ҳудудий маҳсулот, жами</b>	<b>100,0</b>	<b>100,0</b>	<b>105,9</b>
шу жумладан:			
Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	95,3	95,3	105,9
Маҳсулотларга соф солиқлар	4,7	4,7	105,7
<b>II. Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати</b>	<b>100,0</b>	<b>100,0</b>	<b>105,9</b>
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	14,2	13,6	106,7
Саноат (қурилишни қўшган ҳолда)	59,3	59,8	104,2
саноат	54,0	54,1	103,5
қурилиш	5,3	5,7	111,6
Хизматлар	26,5	26,6	109,1
савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	5,4	5,6	113,1
ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа хизматлари	8,6	8,5	105,8
бошқа хизматлари	12,5	12,5	109,7

Январь-сентябрда ялпи ҳудудий маҳсулотнинг тармоқлар таркиби (фоизда):



Жорий йилнинг январь-сентябрь ойларида вилоятнинг ялпи ҳудудий маҳсулотининг ўсиш суръатига асосий таъсири савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар (113,1%), қурилиш (111,6%) ва бошқа соҳа хизматлари (109,7%) тармоқларидаги ялпи қўшилган қиймат ҳиссасига тўғри келмоқда.

ЯХМ ишлаб чиқариш умумий ҳажмининг 37,6 фоизи кичик тадбиркорлик (бизнес) ҳиссасига тўғри келди ва бу кўрсаткич 2015 йил январь-сентябрга нисбатан 0,4 фоизли бандга ошди.

2016 йил январь-сентябрда ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажмида хизматлар улуши 26,6 фоиз (2015 йил январь-сентябрда 26,5 фоиз)ни ташкил қилди.